



ХАСР



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чекка бошлаган, e-mail: xasr@uzlidep.org.uz, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 15 ноябрь, пайшанба, 46 (470)-сон



Конституция — ҳуқуқ ва манфаатларимиз асоси

3 ҲУҚУҚ



Энди Хивага янги троллейбуслар қатнайди

5 ИСЛОҲОТ



Фарғонада яна 700 та янги уй бунёд этилмоқда

6 ЖАРАЁН

Ифтихор



Ўзбекистон спортда ҳам тенгсиз

Ўзбекистон галлаба қозонди. Футбол бўйича миллий терма жамоамиз ўз гурӯҳида биринчи ўринга чиқиб олди. Демак, 2014 йили Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам, дейишга асосимиз етарли. Экинчида бўлса, Улуғбек Бақиев Қозғоғистон кубоги финалини ташлаб, терма жамоа йўналишига келганда унинг қарори кўпчиликлари маъқул келган бўлса ҳам, айрим мухлислар гол ура олишига шубҳа қилгандилар. Мана, Бақиев! Мана, унинг узок муддат урмаган голи! У барчасини бир зарбага жойлаб, Эрон дарвозаси орқали Ўзбекистонни Бразилияга яқинлаштирди. Кеча Техрандаги «Озоди» стадионида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Эрон миллий терма жамоаси ўртасидаги ўйин миллионлаб мухлисларимизга қувонч бағишлагани ҳам ана шу голинг самараси!

Олий Мажлисда

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАДА КИТОбХОНЛАР СОНИ ОРТАЯШТИ. ЧУНКИ...

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонунни амалиётга жорий этишнинг долзарб вазифалари муҳокама қилинди

Маълумки, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида мутлақо янги типдаги ахборот-кутубхона тизимини яратиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

БУГУНГИ СОНДА

ҚАШҚАДАРЁДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛанаДИ

Таҳлилчилар 2012 йилнинг 9 ойида вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 222.8 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилганини таъкидламоқдалар

4

Муносабат

Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатининг янги босқичига қадам қўйилди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2011 ЙИЛНИНГ ОКТАБР ОЙИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИГА ТАШРИФЛАРИ ЧОҒИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ВА КЕЧА ТАЪСИС ЭТИЛГАН ЎЗБЕКISTON ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ, ШУБҲАСИЗ, МАМЛАКАТИМИЗДА ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ БУТУНЛАЙ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Бу айна пайтда фермерлик ҳаракатининг нафақат мамлакат аграр секторининг барқарор ривожланишини таъминлаш, балки жамиятимизни янада демократлаштириш, иқтисодий эркинликни ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ҳам фаол иштирок этувчи локомотивга айланиши лозимлигини англашди, албатта.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мустақилликнинг илк кунларида ноқ барча жабҳаларни тубдан ислоҳ қилиш, жумладан, аграр секторда ҳам изчил амалга ошириладиган ўзига хос тараққиёт йўлида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани тарихан қисқа давр мобайнида ўзгаларга намуна бўла оладиган улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини ҳам берди.

Зеро, кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида яратилган қонунчилик базаси фермерликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг энг муҳим омил бўлиб, фермер хўжалиқларини иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлаш имконини берди.

Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиш»

ни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса жамиятимиз тараққиётининг бир неча ўн йилларга мўлжалланган устувор йўналишларини ўзида қамраб олган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг амалдаги ижроси сифатида баҳоланаётгани ҳам бежиз эмас.

Чунки ана шу муҳим ҳужжатда фермер хўжалиқлари фаолиятини янада ривожлантириш, жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодий эркинликни янада ислоҳ қилиш ва либераллаштиришда қишлоқ мулкдорларининг ролини ошириш масалалари энг долзарб вазифалар сифатида белгилаб қўйилди.

Унга қўра, фермер хўжалиқлари фаолиятидаги долзарб масалалар ва уларни ҳал этиш йўллари Фермерлар кенгаши орқали барча бўғиндаги халқ депутатлари кенгашларида тортиб Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталарида доимий равишда муҳокама қилиб бориш тизими жорий этилмоқда.

2

«Аёллар қаноти»

Партиявий лойиҳалардан — оилавий тадбиркорликка

О'ZLiDeP ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКДАН — МУСТАҲҚАМ ОИЛАГА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАРНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЯКУН ЯСАЛДИ



Маълумки, ушбу лойиҳа О'zLiDePнинг Марказий банк ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликдаги лойиҳаси бўлиб, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар орасида тадбиркорлик кўникмаларини кенг тарғиб этиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини оширишга қаратилган.

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ўтган ўқув-семинарнинг шаҳар босқичида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Муҳлиса Акрамова сўзга чиқиб, «Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида маъруза қилди.

4

Фармон ва ижро



Фермерлик ривожини йўлидаги янги имкониятлар

«ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЎЗБЕКISTON ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТЛАРДАН 350 НАФАР ФЕРМЕР ИШТИРОК ЭТДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган ислоҳотлар фермер хўжалиқларини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни амалга оширишда фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари, хусусан, «Мулк тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ва «Ер кодекси»нинг

ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, сифати яхшиланмоқда. 1990 йилда аҳоли истеъмولى учун зарур бўлган галланиннг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоиздан кўпроги, сўт ва сўт маҳсулотларининг 60 фоизи, картошканиннг 50 фоизи четдан келтирилган эди.

Фермерлик ҳаракатига устувор аҳамият берилиб, қишлоқда мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган аграр сиёсат самарасида 2000-2011 йилларда фермер хўжалиқларида дон

етиштириш 10 баробарга яқин, картошка 13 баробар, мева 26 баробар, узум 20 баробардан зиёд ошди.

Ширкат хўжалиқлари негизида 215 мингта яқин фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Уларнинг янада самарали фаолият юритиши учун ер участкалари оптималлаштирилиб, 66 мингдан ортиқ фермерлар танлаб олинди. Бунда фермер хўжалиқларининг ўртача ер майлони 27 гектардан 80 гектаргача кўпайди. Ҳозир суғориладиган ерларнинг 85 фоизи фермерлар тасарруфида.

2

Парламентда

Қонун такомиллаштирилиши керак

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИДА «ЎСИМЛИКЛАР ҚАРАНТИНИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Маълумки, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонун 1995 йилнинг 30 августидан кучга кирган бўлиб, ўтган давр мобайнида уни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекцияси тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қонунлари тўғрисида»ги Низомлар шулар жумласидандир.

Давра суҳбатига таъкидланганидек, ўсимликларнинг ташқи ва ички карантини бўйича давлат тадбирларини амалга ошириш, халқ хўжалигига зарар етказадиган зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза этиш Ўсим-

ликлар карантини Бош давлат инспекциясининг асосий вазифаси ҳисобланади. Мазкур инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари карантиндаги зараркунандаларнинг тарқалишига йўл қўймастлик ва уларни йўқ қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштириш, ташқи, сақлаш, қайта ишлашда мавжуд қоида ва нормаларга риоя этилиши устидан ҳам назорат олиб боради.

— Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекцияси ва унинг ҳудудлардаги бўлинмалари томонидан 2011 йил ва 2012 йилнинг олти ойи мобайнида карантин остидаги юкларни импорт ва экспорт қилишда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, — дейди инспекция бошлиғи вазифасини бажарувчи Фарҳод Зоҳидов.

5

ФАРМОН ВА ИЖРО

Фермерлик ривожини йўлидаги янги имкониятлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

Фермер хўжаликлари мисолида ернинг ҳақиқий эгаси пайдо бўлди. Ерга эгалик ҳисси туфайли ундан унумли фойдаланиш, экинларнинг ҳосилдорлиги, умуман, қишлоқ хўжалиги самарадорлигига эришилмоқда. Фермер хўжаликларида бир тонна пахта ҳосили учун ўғит олдинги жамоа хўжаликларидагига нисбатан 1,4 марта, уруғлик 1,9 марта, ёнилги-мойлаш материаллари 2,1 марта кам сарфлангани ҳолда, ҳосилдорлик 1,4 марта юқори бўлаётди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан фермерларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларга турли имтиёзлар бериш масалаларига мунтазам эътибор қаратишмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ имтиёзларининг берилгани, балл бонитети паст ерларда пахта етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида молиявий ёрдам кўрсатилаётгани бунинг ёрқин далилидир. Тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган ирригация тизимларининг такомиллаштириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳим вазифалардан. Сув хўжаликлари, ирригация ва мелиоратив тармоқларини сақлаш, кенгайтириш ва бошқа харажатлар давлат бюджетидан амалга оширилмоқда. Фақат 2012 йилнинг ўзида 1,2 миллион гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 81 минг гектарга камайди, 365 минг гектар майдонда ероти сувларини қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул сатҳларга тушириштиришга эришилди, ҳосилдорлик пахтачиликда 2003 йилга нисбатан 4,9 центнерга, галлачиликда эса 9,5 центнерга ошди.

Мамлакатимизда фермерлар учун берилган солиқ имтиёзлари, банк кредитлари, лизинг хизматлари, экспорт ва инвестицияга бериладиган қўмак жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учраши кенг эътироф этилган ҳақиқат, — дейди Сурхондарё вилояти Узун туманидаги «Қурбаноӣ Ашуралиева» фермер хўжалиги раҳбари Маматқул Жўраев. — Хорижий давлатларда фермерлар, ер эгалари қилғи, минерал ўғит, турли техникани бозор нархларидан биржалардан сотиб олади. Ўзбекистонда эса бундай маҳсулотлар фермерларнинг даласига етказиб берилади.

Иқтисодийни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг янги босқичида фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, фермерларга янги имтиёзлар ва преференциялар бериш, қишлоқда мулкдорлар синфи-



Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги фармонида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойилларга таянадиган таъсирчан тизимини ташкил этишга оид муҳим вазифалар белгилаб берилди.

нинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шундан билан ўзгараётган замон, глобал иқтисодий-молиявий инқироз ва жаҳон бозорини тарх-навонинг ўзгариб туриши фермер хўжаликлари олдида ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда. Фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш тақозо этмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-таadbирлари тўғрисида»ги фармонида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойилларга таянадиган таъсирчан тизимини ташкил этишга оид муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Фармонда фермер хўжаликларининг ўз фаолиятига сувни тежайдиган самарали технологияларни татбиқ этишини кенг рағбатлантириш алоҳида таъкидланган, — дейди Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги «Аҳмад Тошражаб» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмаджон Тошев. — Хусусан, томчилатиб суғориш жорий этилган майдонлар беш йил давомида ягона ер солигидан озод этилади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини ях-

шилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бундай мақсадлар учун тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар берилди. Обихаётдан унумли фойдаланиш учун еримизда томчилатиб суғоришни кенг жорий этмоқчимиз.

Президентимиз томонидан фермерлик ривожига қаратилган бундай юксак эътибор биз, мулкдорларни фақат хомашэтиштириш билан чекланмай, уни қайта ишлашни ташкил этиш, қишлоққа саноатни олиб кириш ишларини янада кенгайтиришга ундайди, — дейди Хоразм вилояти Богот туманидаги «Богот» фермер хўжалиги раҳбари Шарифбой Ражабов. — Фармонга биноан, фермер хўжаликларида ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник маслаҳатлар берадиган консалтинг марказлари, чорва учун хизмат кўрсатувчи ветеринария шохобчаларининг кўпайтирилиши гоёт хайрли иш бўлди.

Бугунги фермерларнинг жамият ҳаётидаги фаолияти торабортмоқда, — дейди Сирдарё туманидаги «Амир Темур» фермер хўжалиги раҳбари Нигмат Раҳматуллаев. — Энди биз рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш, қишлоқда қурилди,

сервис, транспорт хизматлари соҳаларини кенгайтиришга қаратилган кўп тармоқли фермер хўжаликлари айланиши интиляётимиз. Кенгайтиришнинг ташкил этилиши эса бизнинг бунинги иштирокчимизга мадал бўлади.

Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг таъсис конференциясида кенгаш аъзолари сайланди ва уставни тасдиқланди. Конференцияда Андижон вилояти Асака туманидаги «Асака жилоси» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Солиқжон Турдиев Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши таъсис конференциясининг мамлакатимиз фермерларига мурожаати қабул қилинди.

Конференция доирасида мамлакатимиз фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Анжуман иштирокчилари Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда бўлиб ўтган «Маърифат маркази» ва «Бунёдкор» спорт мажмуасини бориб кўрдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатининг янги босқичига қадам қўйилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Мухаммадосиф Тешабоев,
O'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси

Бу, шубҳасиз, соҳага оид қонунларни янада такомиллаштириш, уларнинг жойларда тўла ижро этилиши устидан қатъий парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш каби фаолият йўналишларимизни янги босқичга олиб чиқишни талаб қилади.

Фармон асосида Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда худудий кенгашларга фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб даъво аризаларини тақдим этиш, судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқининг берилишини ниҳоятда муҳим қадам, дея баҳолаш мумкин.

Шунингдек, фермерликни янада ривожлантиришда ошқоралик, очиқлик ва қонунийлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга ошириш, қишлоқларда консалтинг марказлари тармоғини, фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш каби масалалар Фермерлар кенгашининг энг устувор йўналишлари сирасига киритилгани эса кўп тармоқли фермер хўжаликлари сонининг янада кўпайишига замин яратади, албатта.

Бу борада Президентимиз

мизнинг «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилган ишлар аграр сектор ютуқларини янада мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

Хусусан, 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури асосида амалга ошириладиган таadbирлар учун давлат бюджетидан 600 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган ва қарийб 100 минг гектар кучли ва ўрта шўрланган майдонларнинг ҳолати яхшилانган. Натижада 2010-2011 йилларда пахта ҳосилдорлиги 1,6-2,5 ц/га ва бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги 2,0-2,7 ц/га ортган. 2003 йилга нисбатан эса ушбу кўрсаткичлар тегишлича 4,5 ц/га ҳамда 8,6 ц/гани ташкил этган.

Айни пайтда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 1991 йилга нисбатан пахта майдонлари 1,4 млн. гектаргача қисқартирилиб, галла майдонлари 1,3 млн. гектарга етказилди. Бундай ўзгаришлар натижасида Ўзбекистонда озиқ-овқат мустақиллигига эришилди. Халқ фаровонлиги юксалди. Ва, бу жараён изчил давом этмоқда.

Бу эса мустақиллик туфайли пайдо бўлган ва бугунга келиб ижтимоий-сийсий кучга айланган мулкдорлар қатлами — таadbиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг янада кенгрок фаолият олиб боришлари учун қўшимча имкониятлар яратиш Ўзбекистон Либерал-демократик партияси зиммасидаги масъу-

лиятни янада оширади.

Фермерлар кенгашининг таъсис конференциясида билдирилган фикр-мулоҳазалар, таниқли фермерлар томонидан илгари сурилган ташаббуслардан тегишли хулосалар чиқариш, қолаверса, ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, йўналишларимизни ўз вақтида аниқ ва равшан, узокни кўзлаб ишлаб чиқилган партиявий Дастурлар асосида янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Шу боисдан O'zLiDeP барча фермерларимиз ўз фаолиятининг аҳамияти ва моҳиятини, уларнинг натижа ва оқибатларини тўла ҳис қилувчи, ўзини-ўзи тўла бошқара олувчи, жамиятимиз олдида турган улкан вазифалар муваффақиятли амалга оширилиши борасида масъулиятни ўз зиммасига оладиган энг фаол, фидоий, ўз фикрига эга, дунёқараши теран ва кенг бўлган энг илғор инсонларга айланishiда фаол иштирок этади.

Бу эса бизга фермер хўжаликлари етакчиларининг нафақат ҳуқуқий-иқтисодий, балки уларнинг ижтимоий-сийсий саводхонлигини ошириш, шунингдек, фермерлар орасидан давлат ҳамда вакиллик органларига лойиқ бўлган салоҳиятли ва қобилиятли кадрларни сарабдаб олиш, уларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириб бориш борасидаги ишларимизни янада такомиллаштиришимиз лозимлигини англайди.

Бугунги тарихий анжуман иштирокчилари фармоннинг жойлардаги тўла ижросини таъминлаш борасида бор куч-қайратларини аямасликларини шубҳасиз O'zLiDeP эса Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан доимо елкадош бўлиб, фермерларнинг хизматига доим тайёрлигини билдиради.

Масъулият юки ортмоқда

— ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, БУГУНГИ ФЕрМЕР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИСИ ҲАМДА АГРАР СОҲАНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, ШУНИНГДЕК, АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ҚУДРАТЛИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУЧГА АЙЛНИБ БОРМОҚДА

Мустақиллик йиллари фермерликни ривожлантириш, соҳа вакилларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган мустаҳкам ҳуқуқий асос ва кафолатлар яратилгани ана шундай натижаларга замин яратди. Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар фермер хўжаликларида барча зарур хизматларни кўрсатаётган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш имконини ҳам берди.

Аммо бугунги глобаллашув жараёнлари аграр секторда ҳам инновацияларни жорий этиш, юзага келган экологик вазиятлардан келиб чиқиб самарали чоратadbирлар ишлаб чиқишни тақозо этаётди. Бунда, энг аввало, фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш масаласига эътибор кучайтирилиши-



Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

ни талаб этаётди. Шунинг учун ҳам Президентимиз фармонида қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг етакчи бўлини ва шакли сифатида фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишини таъминлаш белгилаб берилди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг ижтимоий ҳаётимизга чуқур таътиб этилиши, энг аввало, O'zLiDeP зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Чунки партияимизнинг Сайловолди дастурида шартномада кўзда тутилган хом ашё, материаллар ва товарларни белгиланган муддатларда етказиб беришда, фермерлар етиштирган қишлоқ

хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда тайёрловчилар ва таъминловчиларнинг масъулиятини кучайтириш, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда мумкин қадар қўлай шарт-шароит яратиш масалаларига бирламчи урғу берилган. Мамлакатимиз фермерлари фаолиятини янги босқичга кўтаришда эса янги тузилма — Фермерлар кенгашининг таъсис этилиши бу жараённи мувофиқлаштириш имконини беради, албатта.

Бир сўз билан айтганда, янги тузилма фермерликни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташиқлотлари билан узаро муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Интилишларимиз янада кучаяди



Серенбай СЕЙИТНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Тахтақўпри туманидаги «Тайимбет ота» фермер хўжалиги раҳбари

— Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-таadbирлари тўғрисида»ги фармони асосида Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг ташкил этилгани ва унга бир қатор ваколатлар берилгани қишлоқ мулкдорлари фаолиятини янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилгани билан ҳам муҳим воқеа бўлди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керак: мустақиллик йиллари қишлоқ хўжалигига хусусий мулкчилик тамойилларининг жорий этилиши, соҳага оид қонунчилик базасининг такомиллаштирилгани фаолиятимиз учун қўлай шароитлар яратиб берди. Зеро, бундан ун йил аввалги имкониятлар билан ҳозирги имкониятларни қиёслаб бўлмайди. Бунинг жорий йил табиат инжинкчилари, суғоришдаги айрим муаммоларга қарамасдан кўзланган ҳосилни олишга эришганимиздан ҳам кўриш мумкин. Экинга ишлов бериш, ўғитлаш ва пахтага йингиб-териб олишда мутасадди ташкилотларнинг ғамхўрлигини доимо ҳис этиб турдик.

Таadbиркорлар ва фермерлар учун яратиб берилган бундай ша-

роитлардан унумли фойдаланган ҳолда юзлаб фермерларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи технологияларни олиб келмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, бугунга келиб юртимизда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб берувчи асосий бўлинча, халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сийсий кучга айланди.

Президентимиз фармони асосида Фермерлар кенгашининг таъсис этилгани эса ана шундай қудратли куч учун қўшимча имкониятлар яратиб, фермерлар фаолиятини замон талаблари даражасида мувофиқлаштириш имконини беради.

ИСЛОҲОТ

Қашқадарёда устувор вазифалар ижроси таъминланади


ТАҲЛИЛЧИЛАР 2012 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА ВИЛОЯТДАГИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА 222,8 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТИЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI ASR»

Қашқадарё вилоятида 2012 йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5 трлн. 253,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 103,1 фоиз ўсишга эришилди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, ўтган даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 106,2 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш — 108,1, капитал қўйилмаларни ўзлаштириш — 107,9, хизматлар — 117,2, чакана савдо айланмаси — 117,6 ва пудрат ишлари ҳажми 108,4 фоизга ўсди. Қашқадарё вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларда ташқи савдо операцияларида экспорт ҳажми 224,4 млн. АҚШ долларини ташкил этгани қайд этилмоқда. Ҳудудий инвестиция дастурига асосан эса ўтган даврда 48,8 млн. долларлик хорижий инвестиция жалб этилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 115 фоизга ошган. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 222,8 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилганини таъкидлаш жоиз. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан соҳа вакилларига ажратилган кредит ҳажми 1,4 бараварга ошди, деганидир.

Айни пайтда 222 та соноат корхонаси янгидан ишга туширилгани, ҳудудий инвестиция дастури доирасида 248 та лойиҳа амалга оширилганини таъкидлаш мумкин. 82 та соноат корхонаси, 74 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирув-



чи субъектлар, 83 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва 9 та тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси иштирокидаги соноат корхоналари шулар жумласидандир.

Ўтган 9 ойида 674 млрд. сўмлик қурилиш-пудрат ишлари бажарилган. Хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 728 та субъектга 19,3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, шундан қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга 8,5 млрд. сўм кредит йўналтирилган. 2012 йилнинг 9 ойида 1975 та

кичик бизнес субъекти рўйхатдан ўтиб, уларнинг умумий сони 79639 тага етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ўтган йилга нисбатан 58,6 млрд. сўмга ошгани натижасида кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 57,5 фоизга етди. Мутасаддиларнинг фикрича, йил якунига қадар 2 трлн. 484,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 1 трлн. 63,7 млрд. сўмлик қурилиш-пудрат ишлари бажарилди.

Бунинг учун эса 122 та ижтимоий соҳа объектлари ишга туширилиб, 870 та намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар ўз эгаларига топширилади. Шу ўринда кундан-кунга юксалаётган воқоада 2012 йил охиригача барча турдаги хизматлар кўрсатиш ҳажмини 2 трлн. 323,3 млрд. сўмга етказиш, бунинг учун дастурда белгиланган 1245 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ва 34 та хизмат кўрсатиш маркази фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётганини таъкидлаш мумкин.

Партиявий лойиҳалардан — оилавий тадбиркорликка



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Абулфайз САЙИДАСКАРОВ, «XXI ASR»

— Юртимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имкониятлар яратиб берилган, — деди МА.Акрамова. — «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъририй-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани эса оилавий тадбиркорликни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Бу борада «Аёллар қаноти» томонидан ўтган 9 ойида аёлларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва оилавий бизнесни

ривожлантириш мақсадида жами 2250 дан зиёд тадбир ташкил этилиб, унда 125 мингта яқин хотин-қизлар яратиб берилди. Айниқса, имтиёзли кредитлар беришнинг қулай механизми ишлаб чиқилгани ва кредитлар миқдори йил сайин охири бораётгани лойиҳанинг реал натижалар беришига замин яратмоқда. Масалан, ўтган йили банклар томонидан тадбиркор аёллар учун 336 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг 365 млрд. сўмдан охиши кутилмоқда. Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масалалари кўмитаси аъзоси Барчинои Машарипова сўзга чиқиб, оилада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида атрафлича маълумот берди.

Ўқув-семинарда «TEN INDUSTRIAL» МЧЖ раҳбари Гуллола Алметованинг лойиҳа қиймати 150 млн. сўм бўлган бизнес-режаси тақдими йиғилганлар қизиқишига сабаб бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу тадбиркор лойиҳасида маҳаллий ва хорижий бозор талабларига мос юпқа қатламли электр иситтичлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Талаб этилаётган маблаг эса ноёб хорижий хом ашё сотиб олишга сарфланади.

— «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси доирасида хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш нафақат кичик бизнес субъектларининг, балки аҳоли бандлигини ошириш, пиروвардида эса халқимиз фаровонлигини ҳам юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши «Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш» бўлими мудири Дилноза Абдуллажоновна.

— Биргина Тошкент шаҳрида мазкур лойиҳа доирасида йил бошидан буён аёллар иштирокида 415 та тадбир ўтказилди.

Тадбир низоҳасида энг яхши, дея эътироф этилган 20 та бизнес-режа соҳибларига лойиҳанинг Республика босқичида қатнашиш учун йўланмалар берилди.

Масалан, хунарманд Шаҳзо Зоинова тивувчилик йўналишидаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 50 млн. сўм, талаба Манзура Муҳаммадзонова маҳаллада бўлажак оналар мактабини ташкил этиш учун 15 млн. сўм, талаба Нигора Қаҳҳорова эса «МКА» мукамал кадрлар агентлигини очиш учун 23 млн. сўм талаб этилаётган бизнес-режаларини тақдим этдилар. Шу билан бирга, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш учун тадбиркор Умида Ботирова 20 млн. сўм, «Шокир Фильм» МЧЖ қўшида 2D контентни 3Dга мослаштирувчи студия очиш учун Замира Бешимова 17 млн. 963 минг сўмлик кредит олиш учун мурожаат қилишган. Умумий лойиҳа қиймати 286 млн. сўм бўлган ушбу бизнес-режалар мутахассислар томонидан маъқулланса, 300 дан зиёд касб-хунар коллежи битирувчисини иш билан таъминлаш имконияти яратилиши таъкидланмоқда.

Ўқув-семинарда, шунингдек, тижорат банклари томонидан тақлиф этилаётган банк хизматлари ва тадбиркорларнинг кўрғазмаси ҳам ташкил этилиб, иштирокчилар тадбир мавзуси юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоб олдилар.



НУРОБОДНИНГ МАЗАЛИ ВАФЛИЛАРИ

Наманган шаҳри Нуробод даҳасида жойлашган «Panda sanoat savdo» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган ўнлаб турдаги хуштаъм вафлилар истеъмол бозорида харидориги. Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхона икки юздан ортиқ тадбиркорлик субъектига буюртма асосида маҳсулот етказиб бераётир. Бу ерда доимий иш жойига эга ўттизга яқин ишчининг асосий қисми касб-хунар коллежаларини битирган ёшлардан иборат. Келгусида жамоа ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириб, маҳсулотларини экспортга чиқариш устида изланмоқда. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.



Электрон кутубхонада китобхонлар сони ортаятапти. Чунки...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

«Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун эса аҳоли, айниқса, ёшларнинг бу борадаги эҳтиёжини ҳар томонлама қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга муҳим асос бўлиб хизмат қилапти.

— Тадбирда ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш, уларни ягона ахборот тизими орқали бирлаштириш ва масофадан туриб фойдаланишни таъминлаш, соҳа кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мавзусида маърузалар тингланди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Соҳада хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқишда эса Президентимизнинг «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори ижросини тўлиқ таъминлаш долзарб аҳамиятга эга, албатта.

Айни пайтда соҳада амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий сони 12 миңдан ошди. Ахборот-кутубхона марказла-

ри 14 тани, ахборот-ресурс марказлари 2863 тани, давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги кутубхоналар эса 9000 дан зиёдни ташкил этаётти.

Кутубхоначиликка замонавий компьютер ва мультимедиа технологияларини жорий этиш орқали ахборот-кутубхона муассасаларида тўлиқ матнли электрон ресурсларни ўз ичига олган каталоглардан маълумотларни тезкор излаш имкониятини таъминловчи автоматлаштирилган тизим ишга туширилгани ҳам қувонарлидир. Шунингдек, халқаро таъриба ва кутубхонадан фойдаланувчилар эҳтиёжини инобатга олиб, аксарият муассасаларда ихтисослаштирилган электрон кутубхона ва мультимедиа технологиялари заллари ташкил этилди. Интернет тармоғига уланиш имконияти эса янада кенгайди.

Семинарда, шунингдек, жорий йилнинг 9 ойида ахборот-кутубхона муассасалари фонди ўрта ҳисобда 12 695 миң нусхага кўпайгани, АКМ фондларида жами 4 947 255 нусхада адабиётлар сақланаётган бўлиб, уларнинг 34 618 нусхаси электрон кўринишда экани алоҳида таъкидланди. Кези келганда, АКМларнинг электрон каталоглари учун 75918 библиографик ёзувлар тузилганини ҳам

айтиш лозим. Бу эса электрон каталоглардаги ёзувлар сони 1020694 тага етди, яъни умумий фонднинг 20,7 фоизи электрон шаклга ўтказилди деганидир.


Тадбирда қайд этилган яна бир маълумот: 2012 йилнинг ўтган даврида ахборот-кутубхона муассасаларига таширф буюрганларнинг 13063 нафари Интернет ва Ziyonet тармоғидаги маълумотлардан фойдаланган. АКМларнинг электрон залларида эса 67728 нафар китобхон 39330 та электрон ҳужжатдан фойдаланган.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, ахборот-кутубхона муассасалари фондларини кенгайтириш, уларнинг сақланишини, ахборот-кутубхона ресурсларидан масофадан туриб фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига уланишни ўз ичига олган электрон хизмат кўрсатиш шаклларини жорий этиш соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар сирасига кирди. Шунингдек, оилавий тадбиркорликнинг таъминлаш, шунингдек, етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига уланишни ўз ичига олган электрон хизмат кўрсатиш шаклларини жорий этиш соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар сирасига кирди. Шунингдек, оилавий тадбиркорликнинг таъминлаш, шунингдек, етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига уланишни ўз ичига олган электрон хизмат кўрсатиш шаклларини жорий этиш соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар сирасига кирди. Шунингдек, оилавий тадбиркорликнинг таъминлаш, шунингдек, етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига уланишни ўз ичига олган электрон хизмат кўрсатиш шаклларини жорий этиш соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар сирасига кирди. Шунингдек, оилавий тадбиркорликнинг таъминлаш, шунингдек, етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига уланишни ўз ичига олган электрон хизмат кўрсатиш шаклларини жорий этиш соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар сирасига кирди.

ГИПСОКАРТОННИНГ 20 ФОНЗИ — ЭКСПОРТГА

Айни пайтда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг 26 турдаги сифатли курилли маҳсулотлари чет эллик ҳамкорларга етказиб берилмоқда. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ташаббуси билан ўтказилган матбуот анжуманида журналистларга компания тасарруфидаги корхоналар томонидан бажарилган ишлар, истиқболли режалар ва имкониятлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

— 2012 йилнинг 9 ойида компания тизимидаги корхоналар томонидан 1 трлн. 120 млрд. сўмлик, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоиз кўп соноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди, — дейди «Ўзқурилишматериаллари» АК ишлар бошқармаси бошлиғи А.Ходжакулов. — Бундай натижаларга асосан корхоналарни модернизация қилиш, шунингдек, молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш эвазига эришилмоқда, десак муболаға бўлмайдими. Масалан, «Бекободцемент» ОАЖ яқин куларда курук усулда йилга 850 миң тонна цемент клинкери ишлаб чиқарадиган янги линияни ишга туширмоқда. Аҳамиятлиси, ана шу лойиҳа ҳаётига татбиқ этилса, корхонада 100 га яқин янги иш ўрни яратилиб, мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш яна 1 млн. тоннага ошади. Таъкидлаб ўтиш жоиз: сўнгги ўн йилда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш икки баробар ортиб, йилга 3,2 млн. тоннадан 6,8 тоннага етказилди. Миллий матбуот марказида ўтган тадбирда, шунингдек, маҳаллийлаштириш дастури асосида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, илгари хориждан келтирилган гипсокартон листларини импорт қилиш тўхтатилиб, айни пайтда корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқарилаётган бу турдаги маҳсулотнинг 20 фоизи хорижга сотилаётгани, шунингдек, оқ цемент, юмшоқ томёқич, керамогранит каби курилли маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани таъкидланди.



ИҚТИСОДИЁТ

Соғлом рақобат доимий изланишга чорлайди

МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ САНАЛГАН БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УЛАРНИНГ САРМОЯВИЙ ИМКОНИАТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШГА ЙИЛ САЙИН КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС



Ақбар МУЗАФФАРОВ, «XXI ASR»



«Ипотека банк»нинг Сирдарё вилоят филиали жамоаси ҳам юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Сармоялар асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилганлиги таҳсинга лойиқдир. Ана шу мақсадлар учун қисқа давр орасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,5 млрд. сўм миқдорда кредит, жумладан, 1411,3 млн. сўм микрокредит ажратилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 602,0 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 801,9 млн. сўм сармоя йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда тадбиркорлар фаолиятини J-USBP дастури доирасида микрокредитлаш тизими жорий этилмоқда. Бундан асосий мақсад кичик бизнес субъектларини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини кўпайтириш учун қулай шарт-шароит яратишдан иборатдир. Дастурга асосан, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 2012 йил 1 октябрь ҳолатига 929 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Сифатли молиявий хизмат, илгор тажрибаларни амалиётда кенг қўллаш туфайли миқозлар сони йил сайин кўпайиб, уларнинг банка бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маъна-

вий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида асосан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ёш оилаларга 553,5 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилди. Ушбу сармояларнинг 144,0 млн. сўми истеъмол кредити, 232,5 млн. сўми эса ипотека кредитларидир. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги миқозларга 177,0 млн. сўм миқдорда микрокредитлар берилди.

Чорвачиликни ривожлантириш, аҳоли дастурхонига сифатли гўшт ва сўт маҳсулотлари етказиб бериш ани кундаги долзарб вазифалардан биридир. «Ипотека банк»нинг Сирдарё вилоят филиали шундан келиб чиқиб, тармоқда меҳнат қилаётган деҳқон ва фермерлар, кам таъминланган оилаларга молиявий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, амалдаги йилда 7 та кам таъминланган оиллага чорва моллари харид қилиш учун 68 млн. сўм миқдорда кредит ажратилганлиги фикримиз даъиридир.

Кейинги йилларда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга фаол жалб қилишни янги, самарали усуллари тақдир этилмоқда. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини

бераяпти. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига филиал томонидан жисмоний шахслардан жалб қилинган омонатлар суммаси 1 643 млн. сўмни ташкил этганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Бугунги кунда филиал тизимида 2 та мини-банк, 4 та пул ўтказмалари шохчаси, 4 та жамғарма касса фаолият кўрсатмоқда. Мини-банклар фаолияти асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг ҳаётий талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида қондиришга қаратилган.

Банк пластик карточкалар бозорига ҳам вилоятдаги пешқадим молия муассасаларидан бири саналади. Айни пайтда 11 мингта яқин киши банк пластик карточкаларидан фойдаланмоқда. 2012 йилнинг 1 октябрь ҳолатига филиал томонидан савдо, хизмат кўрсатиш нуқталарида 274 та терминаллар ўрнатилди. «Ипотека банк» пластик карточкалар бўйича ягона умумреспублика процессинг маркази билан ҳамкорликда «SmartVista» технологиясига

асосланган EMV стандартлаш янги тўлов тизимини жорий этмоқда. Ушбу дастур доирасида микропроцессорли пластик карточкалар муомалага чиқарилиди ва банк тўлов терминаллари зарур дастурлар билан таъминланди. Шу боис эндиликда банк савдо терминалларига «SmartVista» карточкаларини тўлов учун қабул қилиш имконияти яратилмоқда. EMV ресумидаги янги стандартлаш тизимига ўтиш миқозлар учун қўшимча қулайликлар яратиш билан бирга, банкнинг чакана хизматлар бозоридан ҳамқисмини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Қисқа қилиб айтганда, бугун банк-молия соҳасида вужудга келган соғлом рақобат муҳити тармоқ муассасалари ва уларнинг жамоаларидан алоҳида маъсулият талаб қилмоқда. «Ипотека банк»нинг Сирдарё вилоят филиали ҳам давр талабларидан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга, ҳар бир миқозга унинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, изланиш ва ақллиқ бўлган жойда янгидан-янги муваффақиятларга эришилаверади.

Фарғонада яна 700 та янги уй бунёд этилмоқда

АЙНИ ПАЙТДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚИШЛОҚЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Баходир СУФИЕВ, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИШИК Фарғона вилоят филиали директори

Жумладан, «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори натижасида «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ таркибида «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси ташкил этилгани қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш имконини бераяпти.

Фарғона вилоятида ҳам филиалимиз томонидан 2009 йилда 40 та, 2010 йилда 610 та, 2011 йилда 675 та, 2012 йилда 700 та, умумий ҳисобда 2025 та тасдиқланган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар барпо этилди.

2009-2011 йил дастурида қўзда тутилган жами 1325 та уй-жойнинг қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, ўз эгаларига топширилди. Айни пайтда эса 2012 йил дастурига киритилган 700 та шундай объектда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган.

Уй олишга талабдорларнинг истакларини инобатга олиш, шунингдек, биноларни кўркемлаштириш мақсадида 2011 йилдан бошлаб янги



уйлар атрофини девор билан ўраш, қўшимча бинолар — омонатхона, дарвозахона ва бошқа инфратузилмаларни бунёд этиш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Намунавий уй-жойларни сифатли ва ўз муддатида топшириш мақсадида объектларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари филиалимизнинг техник назоратчилари, «Давархитектура» вилоят инспекцияси мутахассислари томонидан доимий равишда назорат қилинапти.

Бундан ташқари, қурилишлар лойиҳачи ташкилотлар — «Фарғонафуқаролий» ва «Фарғона коммунал фуқаро қурилиш» МЧЖлари ҳамда «Ферландшафткоммуналлоий» хусусий корхонаси томонидан муаллифлик назоратига олинган.

Таъкидлаш керак, 2012 йил дастуридаги уйлар қурилиши учун моддий-техник базаси ҳамда етарли қурувчилик тажрибасига эга 62 та пудрат ташкилоти тандлов комиссияси томонидан танлаб олинган. Уларга қўйилган асосий шарт — уларни сифатли ва ўз муддатида қуриб битказишдан иборат.

Шу ўринда янги уйлар баҳосини пасайтириш, фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қурилиш материаллари — цемент, металлпрокат, металлочерепица ва ёғоч материаллари пудратчи ташкилотларга ўз вақтида ва йиғинли нархларда етказиб берилмоқда. Айни пайтда дастурга киритилган уйларни жорий йилнинг 4-чорагида фуқароларга топшириш учун барча имкониятлар ишга солинган.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори ҳалқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси хузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тиждорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.

Танлов кўйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилан.

Танловга инвестицион жобабдорликка ва саноат соҳасида таъбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.fpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй.
Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қavat. Мулжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА

- _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
- _____ (тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
- _____ (Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

- Буюртманомани қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва режизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқаришдан маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари;
3. Негишда лойиҳани амалга оширишнинг режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва режизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
- 4.2. Ишлаб чиқариш:
лоийҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўлган хизматлар сони.
- 4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
- 4.4. Молиялаштириш:
лоийҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лоийҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг манжурияти ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан қўлаётган натижалар:
қўлаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қўпланмиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			

ЭЪЛОН

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сиз 2013 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотингиз ва хизмат кўрсатиш турлари ҳақида
100 минг маҳсулга йилга мўлжалот тарқатишни истайсизми?
Хар қандай тадбиркор инсонинг бу саволга ҳа, дея жавоб қайтаришига ишонамиз.
Унда (8-371) 215-60-45, 215-63-80, 281-40-17 телефонларига мурожаат қилинг!

УНУТМАНГ, УШБУ АКЦИЯ ФАКАТ 25 ДЕКАБРГАЧА АМАЛ ҚИЛАДИ.

